

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Ped.26.01 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ИСМАИЛОВ АЛИШЕР ФАЙЗИЕВИЧ

**АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАРДА ТАРИХ ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ
ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.02. –Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (тарих)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

| | |
|--|----|
| Исмаилов Алишер Файзиевич Академик лицейларда тарих фанини ўқитишнинг инновацион технологияларини такомиллаштириш..... | 3 |
| Исмаилов Алишер Файзиевич Совершенствование инновационных технологий при изучении предмета истории в академических лицеях..... | 23 |
| Ismailov Alisher Fayziyevich Developing innovation technologies of teaching history in academic lyceums..... | 45 |
| Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of publications..... | 49 |

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Ped.26.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ИСМАИЛОВ АЛИШЕР ФАЙЗИЕВИЧ

**АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАРДА ТАРИХ ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ
ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.02. –Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (тарих)

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Ped383 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) тилда Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.tdpu.uz) ҳамда «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Исмаилова Жаннат Хамидовна
тарих фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Ибрагимов Холбай Ибрагимович
педагогика фанлари доктори, профессор

Ходжаев Бегзод Худойбердиевич
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Ped.26.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил « ____ » ____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27. Тел.: (+99871) 276-80-86; факс: (+99871) 276-76-51; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27. Тел.: (+99871) 276-80-86.

Диссертация автореферати 2018 йил « ____ » « ____ » кунлари тарқатилди.
(2018 йил « ____ » ____ даги ____ рақамли реестр баённомаси)

Ш.С.Шарипов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, п.ф.д., проф.

Р.Г.Исянов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, п.ф.н., доц.

Н.А.Муслимов

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
п.ф.д., проф.

Кириш (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда тарих фанини ўқитишнинг инновацион технологияларини такомиллаштириш, жумладан, тарих дарсларида шахсга йўналтирилган, танқидий фикрлашни ривожлантириш, модулли ва интерфаол таълим технологияларини жорий этишнинг услубий таъминотини модернизациялаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, АҚШ, Англия, Франция, Япония, Корея ва Россия давлатларида лицей ва гимназияларда тарих фанини ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг тарихий-рационал, эркин фикрлашни ривожлантиришнинг интеграллашган технологиялари, тарихий матнлар устида ишлаш, SMART-таълим, лойиҳа, ассисмент ва портфолио технологияларини ўқитиш амалиёти кенг жорий этилмоқда. Тарих фанини ўқитишнинг инновацион тизимини аудитория, аудиториядан ташқари ва музей педагогикаси интеграцияси асосида такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда тарих фанини ўқитишнинг инновацион моделларини ишлаб чиқиш, тарих фани ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлашнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш, педагогик технологиялар ва таълим стратегиялари уйғунлигини таъминлашнинг илмий таъминотини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тарих фанини ўқитишнинг хусусий-методик технологиясини ишлаб чиқиш, ўқитувчиларнинг ижодкорлиги ва технологик компетентлигини ривожлантириш асосида тарих фанини ўқитишнинг ўйинли, гуруҳларда ишлаш, ҳамкорликда ўқитишга йўналтирилган локал-модулли технологияларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Республикамызда Ўзбекистон тарихини ўқитиш ва ўрганишнинг ягона концепцияси ишлаб чиқилиб, ўқувчиларда тарихий меросни чуқур ўрганиш ва тарихий хотирани шакллантириш мақсадида академик лицейларда тарих фанини ўқитишга доир илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш ва амалиётга татбиқ этиш муҳим ўрин эгаллади. Натижада академик лицейларда тарих фанини касбий соҳаларга йўналтириб ўқитиш, интерфаол таълим технологиялари асосида тарих дарсларини лойиҳалаш ва режалаштириш ҳамда компетенциявий ёндашув асосида тарих таълими мазмуни такомиллаштирилди. Шу билан бирга, академик лицейларнинг самарали фаолият кўрсатиши, уларнинг моддий-техника базасини такомиллаштириш ва юқори малакали ўқитувчилар таркиби билан таъминлаш, битирувчиларнинг олий таълим муассасаларига ўқишга кириш кўрсаткичларини тўлиқ таъминлаш мақсадида «таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш», «Ватанга содиқ ёшларни тарбиялаш»¹ Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида муҳим вазифалар сифатида белгилаб берилди. Натижада академик лицейларда ўқув жараёни сифати тубдан оширилади ва олий таълим муассасаларига кириш учун муносиб номзодларни мақсадли тайёрлаш тизими такомиллаштирилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришга бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони // Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараккиёт ва янгиланиш сари. – Т.: Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017. – Б.71.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришга бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 12 январдаги «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини такомиллаштириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида»ги Фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2017 йил 26 сентябрдаги Олий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни мақсадли тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисидаги ПҚ-3290-сон Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган бўлиб, академик лицейларда тарих фанини ўқитишда инновацион таълим технологияларини жорий этиш ва самарадорлигини баҳолаш билан боғлиқликни ўзида акс эттиради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамизда тарих фанини ўрганишга янгича ёндашувлар ва назариялар А.Асқаров, Б.Аҳмедов, Д.Алимова, Ш.Воҳидов, И.Жабборов, Н.Жўраев, Ҳ.Зиёев, А.Зиёев, Ж.Исмоилова, М.Исҳоқов, М.Лафасов, Р.Муртазаева, Э.Нуриддинов Қ.Ражабов, М.Раҳимов, Э.Ртвеладзе А.Сагдуллаев, Р.Шамсутдиновнинг фундаментал тадқиқотларида ўз ифодасини топган.

Тарих фанини ўқитиш билан боғлиқликда докторлик диссертацияси Б.Ходжаев томонидан ҳимоя қилинган бўлиб, мазкур тадқиқотда умумтаълим мактаби ўқувчиларида тарихий тафаккурни ривожлантиришнинг концептуал асослари ва амалий-технологик тизими ишлаб чиқилган. М.Т.Жуманиёзова, Р.А.Мулладжанова, С.Т.Маҳкамов, Қ.Р.Шоназаровлар томонидан амалга оширилган тадқиқотлар доирасида тарих фани ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлаш, миллий-озодлик ҳаракатлари тарихини ўқитиш, тарих таълимида курслараро узвийликни таъминлаш, бўлажак ўқитувчиларни мактаб ўқувчиларининг тарихий тафаккурини шакллантиришга тайёрлаш масалалари тадқиқ этилган.

Тил ва адабиёт таълими ҳамда математик фанларни ўқитишда инновацион технологиялардан фойдаланиш масалалари Б.Абдуллаева, М.Мирқосимова, Қ.Йўлдошев, Қ.Хусанбоевалар томонидан амалга оширилган тадқиқот ишларида муҳокама қилинган.

Хорижий тилларни ўқитишда инновацион технологиялардан фойдаланиш Ж.Жалолов, Э.Искандаров, А.Кўчибоев, Т.Сатторовларнинг монография ва ўқув қўлланмаларида ўз аксини топган.

МДХ давлатларида А.Арапов, Л.Борзова, М.Бухаркина, Н.Брагина, Л.Выготский, М.Епифанцевалар томонидан тарих фанини ўқитишда ўйин технологияларидан фойдаланишнинг услубий жиҳатлари баён этилган.

Хорижда тарих фанини ўқитишнинг инновацион технологияларини такомиллаштиришга доир тадқиқотлар S.Aronowitz, T.Barseghian, B.Berg, M.Carroll, K.Charmaz, M.Chen, L.Cohen, J.Gee, D.Hancock, M.Hardiman, K.Kay, S.Kwek D.Pink, R.Sternberg, C.Zastrowлар томонидан амалга оширилган бўлиб, ижодий ва танқидий фикрлашни ривожлантириш технологиялари кўрсатиб берилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИТД-4-122. «Юксак маънавиятли шахсни шакллантириш тарбия технологиясини ишлаб чиқиш» (2009-2011 йй.), ИТД-4-108. «Ёшларда моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлигини таъминлаш: муаммо ва вазифалар» (2009-2011 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳалари доирасида академик лицейларда тарих фанини ўқитиш жараёнини лойиҳалаш ва режалаштириш, тарих фанини ўқитишда дарсдан ташқари машғулотларда ўқувчиларда миллий ғурур ва ифтихор туйғусини ривожлантириш технологияларини ишлаб чиқиш жараёнида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади академик лицейларда тарих фанини ўқитишнинг инновацион технологияларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

академик лицей ўқувчиларида тарихий онг ва дунёқарашни ривожлантиришнинг компонентлари, мезонлари ва кўрсаткичларини такомиллаштириш;

академик лицейларда тарих фанини инновацион технологиялар асосида ўқитишнинг назарий моделини такомиллаштириш;

академик лицейларда тарих фанини ўқитишда хусусий-методик технологиялардан фойдаланишнинг дидактик таъминотини такомиллаштириш;

академик лицейларда тарих фанини ўқитишнинг локал-модулли технологияларини ишлаб чиқиш;

Тадқиқот объекти академик лицейларда тарих фанини ўқитишнинг инновацион технологияларини такомиллаштириш жараёни.

Тадқиқот предмети академик лицейларда тарих фанини ўқитишнинг инновацион технологияларини такомиллаштириш дидактик таъминоти.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида муаммога доир сиёсий, фалсафий, социологик, психологик, педагогик, методик адабиётларни қиёсий-танқидий ўрганиш ва таҳлил этиш; ДТС, ўқув дастури, дарслик ва академик лицей хужжатларини ўрганиш; социологик-педагогик (кузатиш, суҳбат, анкета,

сўровнома); педагогик эксперимент; мониторинг; натижаларни математик ва статистик таҳлил этиш усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўқувчиларда тарихий онг ва дунёқарашни ривожлантиришнинг репродуктив, эвристик ва продуктив даражалари когнитив, эмоционал ва мотивацион фаолиятга доир тарихий билим ва дунёқарашни ривожлантириш компонентларини ўзаро оптималлаштириш асосида такомиллаштирилган;

тарих фанини ўқитишнинг когнитив, эмоционал-образли ҳамда мотивацион-қадриятга йўналтирилган компонентларни ўзида акс эттирувчи назарий модел «Темурбеклар мактаби» ҳарбий академик лицейлари учун ўқув-услугий таъминотни ишлаб чиқишга қўйиладиган талаблар (интерфаол дарс ишланмалари, ишчи дафтарлари, халқаро баҳолаш дастурларига асосланган ўқув топшириқлари) бўйича такомиллаштирилган;

академик лицейда тарих фанини ўқитишнинг хусусий-методик технологиясининг мазмунли ва ташкилий-методик компонентлари «Музей – таълим муассасалари – оила» ҳамкорлигига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

академик лицейларда тарих фанини ўқитишнинг инновацион технологиялари дидактик экспозицияларни (тарихий саналарни ёдда сақлаш, воқеликларни таҳлил этиш ва баҳолаш, «эстафетали» беллашувларни ташкил этиш, «компетенция пирамидалари») ташкил этиш ва намойиш этиш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги ПҚ-2854-сон Қарори ижросини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида №86 – сон мажлис баёнида белгиланган «Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигига бағишланган экспозицияни ташкил этиш ва намойиш этиш» концепцияси ҳамда мавзули режаси ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда ёшларда тарихий дунёқарашни шакллантирувчи «Музей – таълим – оила ҳамкорлиги» лойихаси ишлаб чиқилган;

академик лицейлар учун тарих фанидан ўқув-услугий мажмуаларнинг янги авлоди ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги билиш назарияси методологияси (билишнинг диалектик методи, ўқув фанлари, жамият ва табиат ҳодисаларини таҳлил қилишга тизимли ёндашув) ҳамда педагогик таълим соҳасидаги республикамиз, чет эллик олимлар, шунингдек, амалиётчи ўқитувчиларнинг ишларига асосланганлиги; тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методларининг қўлланилганлиги; таҳлил ва тадқиқот тавсифининг миқдор, шунингдек, сифат жиҳатидан таъминланганлиги; тажриба-синов

ишларининг репрезентативлиги ҳамда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил методлари ёрдамида қайта ишланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Академик лицей ўқувчиларида маърифатпарварликка қизиқишни шакллантириш, уларнинг мустақил ва глобал фикрлашини шакллантиришга эришишда турли ўқув фанлари, шу жумладан, Ўзбекистон тарихини ўқитишда инновацион технологиялардан фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этди. Мазкур тадқиқот куйидаги натижаларга эришишга ёрдам берди: академик лицей ўқитувчилари идентив ўқув мақсадларини ўқув вазифаларига айлантиришга доир методик тавсиялар билан қуролландилар; академик лицейда тарих фанини ўқитиш технологиялардан мустақил фойдаланиш тизими ҳосил қилинди.

Тадқиқот натижалари академик лицейларнинг тарих фани ўқув дастури ва дарсликлар мазмунини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин. Академик лицейларда тарих фанини ўқитишнинг хусусий-методик ва локал-модулли технологияларидан ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими ўқитувчилари ўз амалий фаолиятларида фойдаланишлари мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Академик лицейда тарих фанини ўқитишнинг инновацион технологияларини такомиллаштириш бўйича илмий натижалар:

академик лицейларда тарих фанини ўқитиш жараёнида ўқувчиларда тарихий онг ва дунёқарашни ривожлантиришнинг когнитив, эмоционал ва мотивацион фаолиятига доир компонентларининг репродувтив, эвристик ва продуктив даражаларини аниқлашда фойдаланилган. Шунингдек, тадқиқот иши натижалари ўқувчиларда тарих фанини ўқитиш орқали Ватанга муҳаббат миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат каби сифатларнинг такомиллашишига замин яратган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 1 ноябрдаги 89-03-2639-сон маълумотномаси). Натижада 2017-2018-ўқув йилидан тадбиқ этилган академик лицей ўқувчилари учун компетенциявий ёндашувга асосланган «Ўзбекистон тарихи» ва «Жаҳон тарихи» дарсликлари ва «Ўқитувчи китоби» қўлланмалари яратилган;

Ўзбекистон тарихини ўқитишнинг методик таъминотидан Ўзбекистон тарихи давлат музейининг «Ёшлар билан ишлаш маърифий-услубий бўлими» фаолиятини такомиллаштиришда, хусусан, Ўзбекистон тарихи давлат музейида экспонатларнинг жойлашиш тартиби, мавзулар кетма кетлиги ва уйғунлиги, тарихий тасаввурларни шакллантириш, ўқувчининг ахборотни қабул қилиш қулайлигини таъминлашга қаратилган мазмун шакллантиришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 1 ноябрдаги 89-03-2639-сон маълумотномаси, Фанлар Академиясининг 2018 йил 27 апрелдаги 311255-1091-сон маълумотномаси). Натижада ўқувчиларнинг тарих фанини ўзлаштириши ва тарихий тасаввурларининг кенгайишига эришилган;

тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган тарихий шахслар фаолиятини ўрганишга мўлжалланган инновацион технологиялар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбекистон тарихи давлат музейида 2017 йилнинг сентябрь-ноябрь ойларида Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигига

бағишланган экспозицияни ташкил этиш ва намойиш этиш кўргазма концепцияси ҳамда мавзули режасини ишлаб чиқиш жараёнида амалиётга татбиқ этилган(Фанлар академиясининг 2018 йил 27 апрелдаги 311255-1091-сон маълумотномаси). Натижада академик лицейларда тарих фанини ўқитишда музей педагогикаси имкониятидан фойдаланиш самарадорлиги ортган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 10 та илмий анжуман ва семинарларда, шу жумладан 5 та халқаро ва 5 та республика илмий-конференцияларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши: Диссертация мавзуси бўйича 21 та илмий-услубий ишлар чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан 9 та республика ва 1 таси хорижий нашрларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми: Тадқиқот кириш, 3 та боб, 133 бет матн, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси республика ва хорижий мамлакатларда амалга оширилган тадқиқотлар мисолида таҳлил этилган. Асосий эътибор тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти, предмети, методларини белгилашга қаратилган. Шунингдек, тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти далиллар ёрдамида кўрсатиб берилган, муҳим натижаларнинг оммалаштирилганлик даражаси ёритилган.

Диссертациянинг «**Академик лицейларда тарих фанини ўқитишнинг назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида академик лицейларда тарих фанини ўқитишнинг назарий-методологик асослари, академик лицей ўқувчиларида тарихий билим ҳамда дунёқарашни ривожлантириш мезонлари ва кўрсаткичлари ҳамда инновацион технологияларни лойиҳалаштириш асосида академик лицейларда тарих фанини ўқитишнинг назарий модели ёритиб берилган.

Ҳозирги кунда олий таълим муассасалари қошида академик лицей ташкил этилган бўлиб, уларда аниқ, табиий, ижтимоий-гуманитар фанлар, хорижий тиллар ҳамда маданият ва санъат йўналишлари бўйича, янги педагогик ва инфорацион технологиялар асосида замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари билан жиҳозланган кабинетларда ёш авлодга пухта билим берилмоқда.

Ҳозирги пайтга келиб академик лицейлар сонини оптималлаштириш, улардаги таълим сифатини ошириш ва мазмунини янгилаш, уларни битириб чиқаётган ёшларнинг олий таълим муассасаларига ўқишга кириш кўрсаткичларини тубдан яхшилаш бўйича қатор чора-тадбирларни амалга ошириш зарурати пайдо бўлмоқда. Мазкур соҳадаги мавжуд муаммоларни ҳал

этиш ҳамда академик лицейларда ўқув жараёни сифати ва самарадорлигини тубдан ошириш, академик лицейларда умумтаълим мактабларининг энг қобилиятли битирувчиларини жамлаш, умумтаълим мактаблари битирувчиларининг танланган касблар ва мутахассисликларни эгаллаб олишга бўлган эҳтиёжини қондириш учун шарт-шароитлар мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

2000 йилдан 2012 йилгача амалда бўлган ўрта махсус Давлат таълим стандартлари фаолиятга йўналтирилган ёндашув асосида ишлаб чиқилган бўлиб, фақатгина билим, кўникма ва малакаларни таркиб топтиришни кўзда тутган ҳамда қатор камчиликларга йўл қўйилган: мазкур йилларда амалда бўлган Давлат таълим стандартларида ўқув материалларини структуралаштиришда ўқувчиларни амалий фаолиятга жалб этиш йўллари аниқ белгилаб берилмаган; ўлкашунослик, этнография ва этнологияга доир ёндашувлардан тизимли фойдаланилмаган; тарихий саналарни ўрганишга меъёридан ортиқ эътибор қаратилган ва рақамбозлик тенденцияси кучайтирилган; асосий ва иккиламчи тавсифга эга ўқув материалларини лойиҳалаштиришда табақалаштирилган ёндашувга риоя қилинмаган; тарих фанини даврлаштириш халқаро тажриба ҳисобга олинмаган; тарих фанини ўқитиш тизимининг услубий таъминоти аниқ белгилаб берилмаган; «Ўзбекистон тарихи» ва «Жаҳон тарихи»га доир материалларда тушунча ҳамда саналарни қўллашда умумий тамойилга риоя қилинмаган ва ҳ.к.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 187-сон Қарорига мувофиқ узвийлаштирилган давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди. Мазкур Давлат таълим стандартининг энг муҳим жиҳати компетенциявий ёндашув асосида ишлаб чиқилганлигидир. Шунингдек, тарих фани бўйича академик лицей битирувчиларига қўйиладиган малака талаблари В1, В1+ даражаларида белгиланиб, фанга оид компетенциялар тизими лойиҳалаштирилган.

Янгиланган Давлат таълим стандартлари асосида ўқув дастурлари ҳам такомиллаштирилиб, академик лицейларда тарих фанини ўқитиш босқичлари қуйидаги тарзда белгилаб берилди:

Тарих фанини ўрганишнинг ўрта даражаси:

1-курс: Ўзбекистон тарихи – мамлакатимизнинг 1918 йилдан 1991 йилгача бўлган даври воқеликликлари билан танишиш ва ўрганишга бағишланади. Жаҳон тарихи – 1918 йилдан 1991 йилгача бўлган даврдаги дунё халқлари ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётини ўрганади.

2-курс: Ўзбекистон тарихи – 1991 йилдан ҳозирги кунгача бўлган даврда амалга оширилган сиёсий ислохотлар, ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаётни ўз ичига қамраб олади. Жаҳон тарихи – 1991 йилдан бугунги кунгача дунё мамлакатлари тарихий тараққиёти ва глобал воқеликларни ўрганади.

Тарих фанини ўрганишнинг ихтисослаштирилган ўрта даражаси:

Хорижий филология йўналиши: 1-курс: Ўзбекистон тарихи – Ўзбекистон ҳудудида энг қадимги даврдан – 1991 йилгача бўлган давр тарихи ўрганилади. Жаҳон тарихи – энг қадимги даврдан XX аср ўрталаригача бўлган давр тарихи ўрганилади.

2-курс: Ўзбекистон тарихи – 1991 йилдан ҳозирги кунгача бўлган давр тарихи ўрганилади. Жаҳон тарихи – XX асрнинг иккинчи ярми – XXI аср бошларида жаҳон мамлакатлари сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти ўрганилади.

Ижтимоий-гуманитар йўналиш: 1-курс: Ўзбекистон тарихи – Ўзбекистон ҳудудида энг қадимги даврдан – 1991 йилгача бўлган давр тарихи ўрганилади. Жаҳон тарихи – энг қадимги даврдан XX аср ўрталаригача бўлган давр тарихи ўрганилади.

2-курс: Ўзбекистон тарихи – 1991 йилдан – 1991 йилдан ҳозирги кунгача бўлган давр тарихи ўрганилади. Жаҳон тарихи – XX асрнинг иккинчи ярми – XXI аср биринчи чорагида жаҳон мамлакатлари тарихий тараққиёти ва глобал воқеликлар ўрганилади.

Таҳлил натижалари асосида академик лицейларда тарих фанини ўқитишда қуйидаги методологик асосларга таяниш лозимлиги ҳақидаги хулосага келинди: тарих фанини ўқитишнинг бош мақсади ўқувчиларда ўтмиш ва бугун ўртасидаги алоқадорлик ҳамда фарқли жиҳатларни таҳлил этиш, умумлаштириш ва хулоса чиқариш имконини беришдан иборат бўлиши лозим; тарих фанини ўқитиш воқеликни баён этишга эмас, тарихий ҳодисаларни холис, вақт, замон ва макон контекстида баҳолаш, давр билан диалогга киришиш орқали тафаккурни ривожлантиришга хизмат қилиши лозим; тарих фанини ўқитиш жараёнида демократик ва инсонпарвар жамият учун асосий кадрият саналган ўқувчиларда тарихий онг ва дунёқарашни ривожлантириш мақсадга мувофиқ; миллий мустақиллик ва тараққиётнинг «Ўзбек модели» асосига қурилган Ўзбекистоннинг энг янги тарихини ўрганиш ўқувчиларда миллий мустақиллик ва ўзликни англаш; миллат ва ватанпарварлик каби асосий ғоя ва фалсафани қарор топтириши лозим.

Тадқиқот натижалари асосида академик лицей ўқувчиларида тарихий дунёқарашни ривожлантиришнинг когнитив, эмоционал-образли ва мотивацион-кадриятга йўналтирилган компонентлари аниқлаштирилди. Жумладан, когнитив компонент ўзида билиш, ўқув фаолияти ва мустақил таълимни; эмоционал-образли компонент ўқувчининг субъектив психологик ҳолатини ифода этиб, унинг атроф-олам ва кишиларга, тарихий воқеликка муносабатини; мотивацион-кадриятга йўналтирилган компонент тарихий воқеликка кадриятга йўналтирилган муносабатни қарор топтиришни ўзида акс эттирди.

Адабиётлар таҳлили натижасида академик лицейларда тарих фанини ўқитиш мазмунига қўйиладиган зарурий талаблар сифатида қуйидагилар аниқлаштирилди: тарих ўқув фани дастуридан ўрин олган мавзуларни ўрганишда таълим мазмунини кундалик ва мустақил ҳаёт, амалиёт билан уйғунлигини таъминлаш, дидактиканинг асосий принципларидан бири назария


ва амалиёт бирлигига амал қилиш; тарих фани дарсликларидаги ўқув материали мазмунининг мантиқий йўналишини аниқлаш ва ўқувчиларга индуктив ёки дедуктив тарзда етказиш мақсадида мазмунни қайта ишлаб чиқиш; тарих фани ўқитувчиси ўз педагогик фаолиятининг, шу жумладан, тарих фанини ўқитиш шакллари бўлган: дарс, дарсдан ташқари ишлар, экскурсия ва синфдан ташқари машғулотларнинг дидактик мақсадларини, дидактик мақсадларга эришиш мақсадида таълим мазмуни, ўқитиш методлари, воситалари ва шаклларининг узвийлигини таъминлаш йўллари аниқ белгилаши; тарих ўқитувчиси ўз педагогик фаолиятини асослаши, тарих фанини ўқитиш шакллари бўлган: дарс, дарсдан ташқари ишлар, экскурсия ва синфдан ташқари машғулотларнинг мазмунини эътиборга олган ҳолда ўқитиш методлари, воситаларини мақсадга мувофиқ асосли танлаши; тарих фани ўқитувчиси ўз педагогик фаолиятининг натижаларини аниқлаш мақсадида замонавий шакл ва воситалардан фойдаланиш малакасини эгаллаши, натижаларни асослаши, типик камчиликларга барҳам бериш йўллари аниқ белгилашга замин тайёрлаши зарур.

Таҳлилий материалларга асосланган ҳолда инновацион технологияларни лойиҳалаштириш асосида академик лицейда «Ўзбекистон тарихи» фанини ўқитишнинг назарий модели ишлаб чиқилди (1-расмга қаранг).

Диссертациянинг «**Академик лицейларда тарих фанини ўқитишнинг инновацион тизими**» деб номланган иккинчи бобида академик лицей тарих фани ўқитувчисининг инновацион фаолияти мазмуни, тарих фанини ўқитишнинг хусусий-методик технологияси ва локал-модулли технологиялари тизими ёритиб берилган.

Тадқиқотда инновацион технологияларнинг ўзига хос хусусиятлари, моҳияти ва мазмунига кўра икки гуруҳга ажратилди: 1) педагогик жараённинг характери, бориши ва мазмунини ўзгартиришда қўлланиладиган педагогик технологиялар: таълим жараёнини инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш технологияси; шахсга йўналтирилган технологиялар; ривожлантирувчи таълим технологиялари; таълимни дифференциаллаштириш ва индивидуаллаштириш; 2) тарих дарсларида фойдаланиладиган технологиялар: дидактик ўйин технологияси, муаммоли таълим технологияси, модулли таълим технологияси, ҳамкорликда ўқитиш технологияси, лойиҳалаш технологияси.

Шунингдек, тадқиқот натижалари асосида тарих фани ўқитувчисининг инновацион педагогик фаолияти куйидаги компонентлардан иборат эканлиги аниқланди: тарих дарсларида ахборот ва инновацион технологиялардан фойдаланиш йўллари лойиҳалаш ва амалда қўллаш учун зарур бўладиган методик билим, кўникма ва малакалар; тарихдан дарсдан ташқари ишларда ахборот ва инновацион технологиялардан фойдаланиш йўллари лойиҳалаш ва амалда қўллаш учун зарур бўладиган методик билим, кўникма ва малакалар; экскурсия ва синфдан ташқари машғулотларда виртуал музей ва инновацион технологиялардан фойдаланиш йўллари лойиҳалаш ва амалда қўллаш учун зарур бўладиган методик билим, кўникма ва малакалар; тарих фанини ўқитишда инновацион технологияларни қўллаш борасида илғор ўқитувчиларнинг иш тажрибасини ўрганиш ва амалиётда қўллаш.



1-расм. Инновацион технологияларни лойиҳалашгiriш asosida akademik liceylarda tarix fanini ўqitishning nazariy modeli

Тарих фанини ўқитишнинг хусусий-методик даражасида дарснинг барча босқичлари педагогик технология талаблари асосида ташкил этилади. Бунда ўқитувчи ўрганиладиган мавзунинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи вазифаларидан келиб чиққан ҳолда қайси технологиядан фойдаланиш, мазкур технология асосида ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари, дарсда ўқувчиларнинг билиши лозим бўлган ўқув топшириқлари, ўқувчиларнинг ўзлаштирган билимини назорат қилиш ва баҳолаш йўллари белгилаши лозим.

Тарих фанини ўқитишда таълим технологиясидан фойдаланиш бир-бири билан узвий боғланган ўқитувчининг икки томонлама тайёргарлиги, яъни биринчиси ҳар бир дарснинг технологик талабларни ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаш, яъни технологик моделини тайёрлаш ва иккинчиси шу моделни амалга ошириш мақсадида дарснинг технологик харитаси, дидактик материаллар мажмуасини тайёрлаш тушунилади.

Тарих фани ўқитувчиси ҳар бир дарснинг технологик моделини яратиш учун қуйидаги босқичларга асосланиши лозим:

1-босқич. Тарих ўқитувчиси дарсда инновацион технологиялардан дарснинг ҳар бир босқичида мақсадга мувофиқ фойдаланиш самарадорлик гарови эканлигини унутмаган ҳолда, ўз педагогик фаолияти ва ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини тасаввур қилиши лозим.

2-босқич. Тарих фани ўқитувчиси дарсга тайёргарлик кўриш жараёнида ўрганиладиган мавзу мазмунидан келиб чиққан ҳолда дарснинг идентив (вазифа ва кутиладиган натижаларга мос) мақсади ҳамда таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи вазифаларини аниқлайди ва уларга эришиш йўллари аниқлаштирилади. Тарих фанини ўқитиш жараёнида ўқув мақсадларига эришиш даражасини тасаввур қилиш учун аввало, ушбу жараённинг яхлитлиги ва тизимлилигини тушуниб олиш зарур. Ўқитувчи ўқув мақсадларини аниқлашда қуйидаги ишларни босқичма-босқич амалга ошириши лозим: ўқув фани бўйича ДТС асосида ўқувчилар билимига қўйиладиган талабларни боблар ва мавзулар кесимида ишлаб чиқиш; ўқувчилар ўзлаштириши лозим бўлган билимлар таркибидаги умумий ва хусусий тушунчалар, уларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаштириш. Мисол тариқасида 2-курс «Ўзбекистон тарихи» фани дастуридаги «Ислом Каримов – Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти» мавзусидаги тушунчалар ва кўникмалар тизими ишлаб чиқилди. Бир соатлик дарсда ўқувчилар ўзлаштириш лозим бўлган тушунчалар ва эгаллаши зарур бўлган кўникмалар ажратиб кўрсатилди. Ўқитувчи ушбу материал асосида ўқув мақсадларининг турини аниқлайди.

3-босқич. Ўқитувчи дарс давомида ўқув мақсадларига эришиш даражасини аниқлаш мақсадида кутилаётган натижани ойдинлаштириши керак.

4-босқич. Тарих ўқитувчиси ўрганиладиган мавзу мазмунидан келиб чиққан ҳолда, инновацион технологияларни қўллаш талаблари асосида дарсни ташкил этиш учун фойдаланиладиган дидактик тарқатма материалларини тайёрлайди.

5-босқич. Тарих ўқитувчиси ушбу босқич бўйича амалга ошириладиган ишларни ўқув мақсадларига эришиш даражасини аниқлаш асосида мазкур жараёнга жиддий ёндашиши зарур.

Тадқиқот доирасида академик лицейда тарих фанини ўқитишнинг локал-модулли технологиялари ишлаб чиқилди ва таълим амалиётига татбиқ этилди:

«Саналарни таққослаш» ўйини. Ўйиннинг мақсади: дарс жараёнида ўқувчиларни эркин, мустақил, танқидий фикрлашга, изланишга, фикрларни жамлаб таққослаш услуги ёрдамида мавзудан келиб чиққан ҳолда муаммо ечимини топиш, мустақил бажарган ишини эркин баён эта олиш, ўзини-ўзи баҳолаш, бошқалар фикрига ҳурмат билан қараш, керакли фикрни ўз ўрнида билдиришга ва албатта, ҳар бир жавобни исботи билан изоҳлашга ўргатади.

Ўйин қоидаси: машғулотга ўқитувчи томонидан тайёрланган жадвал тарқатилади. Бу жадвал ҳар бир ўқувчига алоҳида тақдим этилади. Ўқувчилар билим даражасидан келиб чиқиб, саналар билан ишлайди. Саналарни таққослаб ўрганиш, ўз навбатида ўқувчилар хотирасида яхши сақланиб қолишини таъминлайди.

«Хато» технологияси. Технологиянинг мақсади: дарс жараёнида ўқувчиларни эркин, мустақил, танқидий фикрлашга, изланишга, фикрларни жамлаб таққослаш услуги ёрдамида мавзудан келиб чиққан ҳолда муаммо ечимини топиш, мустақил бажарган ишини эркин баён эта олиш, ўзини-ўзи баҳолаш, бошқалар фикрига ҳурмат билан қарашга, керакли фикрни жойида билдиришга ва албатта ҳар бир жавобни исботи билан изоҳлашга ўргатишдир. Энг муҳими, ўқувчи томонидан эгаллаган билимнинг самарадорлиги қай даражада эканлигини ҳамда керакли пайтда билимга таянган ҳолда тезда ҳукм ва қарор қабул қилишга ўргатишдир. Аниқроқ айтганда, хатоларни аниқлаш орқали ҳақиқатни излаб топишга эришиш мумкинлиги англаб етилади.

«Рақамлардан саналарга» технологияси. Ушбу технологияда ўқувчилар яқка тарзда ёки жамоа (гуруҳ)ларга ажратилган ҳолда қатнашади. Бунда ўқитувчи ўқувчиларнинг тарихий саналарни қанчалик ёдда сақлаб қолганлигини аниқлаштиради ва узоқ муддатли хотирага эга бўлиш малакаларини ҳосил қилади. Технологиянинг мақсади: тарих дарслари жараёнида энг кўп учрайдиган тарихий саналарни аниқ ва тез баён этира олишдан иборатдир.

«Эстафетали беллашув» ўйини. Ўйин ўқув машғулотларининг барча босқичларида, фаннинг бирор-бир боби тугалланганда, ўтилган мавзу ва мавзуларга оид ўқув саволларини такрорлаш, мустаҳкамлаш жараёнида қўлланилиши мумкин. Ўйиннинг мақсади: дарс жараёнида ўқувчиларни аниқ, тезлик билан хатосиз жавоб беришга ва албатта ўқувчи ўз жавоби учун аниқ ва тўғри қарор қабул қилишга ўргатишдан иборат.

«Нотик» ўйини. Ушбу ўйинда ўқувчилар жамоа (гуруҳ)ларга ажратилмайди. Ўтилган мавзу (боб) ўқувчиларнинг қанчалик таъриф, тавсиф, изоҳ, хато ва тўғри сўзлаб бериши билан ўлчанади. Демак, технологик жараён индивидуалликка асосланади. Ўйиннинг мақсади: дарс жараёнида ўқувчиларда ўз фикрини мустақил равишда эркин баён эта олиш, ўзини-ўзи баҳолаш,

бошқалар фикрига ҳурмат билан қараш, керакли фикрни ўз ўрнида айта олишга ўргатишдан иборат.

«7x7» ўйини. Ушбу ўйин 7x7 махсус ўйин доскасида амалга оширилгани учун шундай номланади. Мазкур ўйин ўқувчиларни ўтилган мавзуларни такрорлаш, берилган саволларга аниқ, тез ва тўғри жавоб бериш, ўз-ўзига ишончни қарор топтириш ва ўқитувчи томонидан ўқувчиларнинг эгаллаган билимларини таҳлил қилиш ҳамда баҳолашга мўлжаллаган. Ўйиннинг мақсади: дарс жараёнида ўқувчиларнинг эркин фикрлашини ривожлантириш, ўз фикрини мустақил равишда эркин баён эта олиш, ўзини-ўзи баҳолаш, яқка ва гуруҳларда ишлаш масъулиятини англаш, бошқаларнинг фикрига ҳурмат билан қарашга ўргатишдан иборат.

«Ақлий футбол» ўйини. Мазкур ўйин кўпроқ, тарих дарсларида ўтилган дарс ва янги дарсни ўқувчиларнинг мустақил ўрганиб келиши ва унинг натижасини хулосалаш имконини беради. Шунингдек, такрорлаш дарсларида ҳам қўллаш мумкин. Ўйинда синфнинг барча ўқувчилари иштирок этади. Синфда 30 та ва ундан ортиқ (32 тагача) ўқувчи бўлиши мумкин. Ўқитувчи синф ўқувчилари сонига қараб рақамли белги билан уларни гуруҳларга ажратади. Унда ҳамма «тоқ» рақам битта гуруҳга, ҳамма «жуфт» рақам иккинчи гуруҳга бир хиллик асосида ажралиши мумкин. (Бу орқали ўқувчиларда норозиликка йул қўймасликка эришилади). Бундай танлаб олиш ўқитувчи учун муҳим, сабаби ҳар қайси ўқувчи гуруҳда ким билан бирга катнашишини мана шу гуруҳга ажратилгандан сўнг билса, мақсадга мувофиқ бўлади.

«Сехрли кубик» ўйини. Мазкур ўйин усулининг мақсади ўқувчиларда ўтилган материал юзасидан билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш ва уларда тезкор фикрлай олиш қобилиятини шакллантиришдир. Ушбу ўйин технологиясида «зарик» кубикда белгиланган рақамлар асосий ҳаракатлантирувчи ҳисобланади. Гуруҳ ўқувчилари сонига қараб икки гуруҳга бўлинади, гуруҳга бўлиниш эса махсус белгиланган рақамларни тортиш асосида амалга ошади. Гуруҳларга бўлинган ўқувчилар икки кишидан бўлиб синовдан ўтишади. Кубикнинг ҳар бир томонига рақам қўйилса, унда жами 1 дан 6 гача бўлган рақамлар жойлашади. Рақамларда ўқув материалига доир қуйидаги элементлар ўз аксини топиши мумкин; йиллар; исмлар; номлар; кўчирма гаплар; манзил; мақсад, баҳона, сабаб, жараён ва оқибат; пойтахт; элчилар; рақамлар; аср.

«Биз пирамида қурамиз!» ўйини. Ўқувчиларнинг тарих фанининг бирор бўлими ёки бобига оид мавзулар бўйича эгаллаши лозим бўлган компетенциялари тизими пирамидада жамланганлиги боис мазкур ўйин шундай аталади. Ўйиннинг мақсади: ўқувчилар томонидан эгалланган билим, кўникма ва малакаларни тизимлаштириш ва мустаҳкамлаш. Мазкур ўйиннинг вазифаси ўқувчиларни тарихий маълумотларни таҳлил этиш, умумлаштириш, хулосалар чиқара олишга ўргатишдан иборатдир.

Энг аввало, ўқувчилар гуруҳларга ажратиб олинади. Гуруҳга ажратиш тартиби қуйидагича амалга оширилади. Масалан, гуруҳда ўқувчилар 30 (32, 25,

20) нафар бўлса, ўқувчи сонига мос равишда рақамланган қоғозлардан олиб, ўқувчилар тегишли жойга бориб ўтиришади. Улар гуруҳларга ажратиб бўлингач, синф тахтасида тасвирланган «пирамида»ни қуришади. Пирамида 30 та катакка (уни каттароқ шаклда қилиб чизиш ҳам мумкин) бўлинган, катаклар рақамлар билан тўлдирилган. Ҳар бир белгиланган катаклар пирамиданинг белгиланган шаклдаги қисмини ифода этади.

Диссертациянинг «**Академик лицейда тарих фанини инновацион технологиялар асосида ўқитиш самарадорлиги**» деб номланувчи учинчи бобида академик лицей ўқитувчиларини инновацион технологияларни татбиқ этишга тайёрлашнинг диагностик тизими, инновацион технологиялар асосида академик лицей ўқувчиларида тарихий онг ва дунёқарашни ривожлантириш самарадорлиги таҳлил этилган.

